

Йирик саноат мегалойиҳаси – иқтисодиёт ривожини, одамлар турмушини фаровонлигини оширишга хизмат қилади



Президент Шавкат Мирзиёев 22 декабрь куни Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги йирик саноат лойиҳалари, ижтимоий соҳа фаолияти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Кейинги йилларда шаҳар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Янги қорхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ишга тушмоқда. Бу ўзгаришларнинг “драйвери” — Олмалиқ кон-металлургия комбинати.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келади. Охириги йилларда илмга ва технологияга катта маблағ йўналтирилгани натижасида янги конлар топилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ, комбинатда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш бўйича 5 миллиард 122 миллион долларлик мегалойиҳа амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олмалиққа ташрифи чоғида, аввало, мазкур кондаги ишларни кўздан кечирди.

Кон ҳудуди 11 минг гектар. Захираси ҳам шунга яраша салмоқли — йилга 65 миллион тонна маъдан қазиб олиш қув

ватига эга. Бу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металллар бор. Уларни қайта ишлаш учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмоқда.

Президентимизга шу борадаги ишлар ҳақида ахборот берилди.

Бу ерда иш бошланган 2017 йилда йилга 3 миллион куб метр кон ишлари бажарилар эди. 415 миллион долларлик 570 дан зиёд замонавий техникалар олиб келинган, самарадорлик ўн қарра ошди. Эндиликда иш ҳажми йилга 40 миллион куб метрни ташкил этмоқда.

— Бу кон — катализатор. Уни самарали ўзлаштириш билан бирга, кичик конлар бўйича ҳам янги йўналиш қилиш керак. Бу ҳам қўшимча иш ўринлари, катта экспорт, дегани, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳа доирасида, шунингдек, оҳақ заводи, 650 мегаваттлик электр тармоғи ва бошқа инфратузилма объектлари барпо

баҳоланган мис ресурслари 45 миллион тоннани, олтин ресурслари эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этади. Бунга асосланиб, 2030 йилда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 515 минг тоннага, олтинни 52 тоннага, кумушни 343 тоннага олиб чиқиш бўйича концепция тайёрланган. Бунинг эвазига комбинатнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Аввало, комбинатни трансформация қилиш доирасида бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини рақамлаштириш, операцион самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

— Энг асосийси, келгуси икки йилда комбинатда замонавий бошқарув тизимини жорий этиб, уни давлат ёрдамисиз ишлаб оладиган, дунёнинг етакчи металлургия компанияларидан бирига айлантириш асосий вазифа бўлиши керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш билан параллел равишда 4-фабрикани ҳам лойиҳалаштириш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг натижасида рудани қайта ишлаш ҳажми 160 миллион тоннага етиб, 3 мартага кўпайиши мумкин.

Йиғилишда мис кластери ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бугунги кунда мисни қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 76 миллион долларлик 22 та лойиҳа шакллантирилган.

Шунингдек, Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида Тошкент вилоятида Яримўтқазгичлар ва электроника кластерини ташкил этишга келишилган.

Президентимиз бу борадаги ишларни жадаллаштириб, электр техникаси, энергетика, автомобиль саноати учун талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан ҳам мулоқот бўлди.

— Комбинатни, албатта, зўр қиламиз. Лекин, аввало, одамлар рози бўлиши керак. Уйи яхши, суви чучук, электри ўчмайдиган, иши даромадли бўлиши лозим. Бунинг учун маҳаллада қандай муаммолар борлигини, уларни ҳал қилиб, одамларга шароити яратиш учун нима кераклигини сизлар айтишингиз зарур. Шунинг учун очик мулоқот қилсак, фойдали бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳоким ёрдамчилари ўзлари масъул бўлган маҳаллада ишсизлигини камайтириш, тадбиркорлик ва томорқачиликни ривожлантириш, ёшларни спортга жалб этиш бўйича режаларини сўзлаб берди. Давлатимиз раҳбари уларга ишонч билдириб, тақлифларини қўллаб-қувватлади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг равишда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

- Белгилансиники, 2022 йил 1 январдан

ЎЗБЕКИСТОН МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Долзарб мавзу

Мис — ушбу қизғиш тусли металл саноатда, умуман, кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда эҳтиёж учун ишлатилаётган жуда кўп ашёларда у мавжуд. Масалан, оддий қўл телефонларини қувватлантирувчи жиҳозни олайлик, ундаги мис симнинг ўтказувчанлиги туфайли электр энергияси телефонга келади ва қувватланади. Ёки уйимиздаги совитқич, музлатқич, телевизор ёки саноатда фойдаланилаётган йирик техника ва ускуналар ишлашида ҳам миснинг аҳамияти катта.

Бундан ташқари, мисдан сунъий ипак олишда, ўсимликлар зараркунандаларига қарши воситалар тайёрлашда, кўнчилик саноатида, тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади. Қаранг, оддийгина шу рангли металлнинг бир парчаси ёки бир грамми қанча катта ва фойдали ишни бажаради.

Умуман, мисга бўлган талаб жуда юқори ва кундан-кунга ортиб бормоқда. ➡ 4



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯХШИ ҚўШНИЧИЛИК ВА ПРАГМАТИК СИЁСАТИ

минтақамизни улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айлантиришга хизмат қилади

Кейинги йилларда юртимизда олиб бўриллаётган очиклик ва шаффофлик сиёсати унинг қўшни ва бошқа хорижий давлатлар билан муносабатиди ҳам яққол кузатилмоқда. Яъни Ўзбекистон халқаро муносабатнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида минтақа ва глобал даражада фаол ташқи сиёсатни йўлга қўйди ҳамда хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни тобора ривожлантирмоқда. ➡ 3

Қонун лойиҳаси — муҳокамада МАЪЛУМОТЛАР ОЧИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама сисига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутат-

лар, Молия вазирлиги мутасаддилари ҳамда экспертлар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ўртага ташланди. ➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

^{(Давоми. Бошланиши 1-бетда).}

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда **бир ой муддатда** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблаглари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия бериш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. **2022 йил 1 мартдан бошлаб:**

а) Солиқ кодексининг 380-моддаси биринчи қисмига мувофиқ **болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиги бўйича** белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан **3 бараваригача оширилади;**

б) **2024 йил 1 мартга қадар** иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган **ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади.**

Бунда ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг **олти ой** давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан **еттинчи ойдан** бошлаб қайтарилади.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда Солиқ кодексига ушбу бандга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиги бўйича белгиланган имтиёзларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) таркибига **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Тадбиркор ногирон-аёллар миллий ассоциацияси раҳбарлари** киритилсин.

Идоралараро кенгашнинг зиммасига **ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш** бўйича қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим муассасаларида инклюзив таълимини ривожлантириш, уларни **касбга тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш учун муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш** имкониятларини кенгайтириш;

таълим муассасаларини битирувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг тавсия этилган касблар бўйича белгиланган тартибда **корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташни** ташкил этиш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг **корхона ва ташкилотлардаги иш жойларини жиҳозлаш, мослаштириш** ва уларнинг фаолият қўрсатиши учун зарурий меҳнат шaroитларини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни улар ишга жойлашгандан сўнг ҳамда тадбиркорлик, хунармандчилик ёки **ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлагандан кейин қўллаб-қувватлаш механизмларини** татбиқ этиш.

Идоралараро кенгашга **раҳбарлик қилиш** Савдо-саноат палатасининг раиси А.Икрамов зиммасига юклансин.

4. Давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси **ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар** (кейинги ўринларда — ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) **билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.**

Белгилансинки:

ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарларини (ишлари, хизматларини) харид қилиш учун **квоталар тақдим этиш тартиби бекор қилинади;**

мазкур бандга асосан тузилган, қиймат базавий ҳисоблаш миқдорининг **6 000 бараваригача бўлган товарлар** (ишлар, хизматлар) харидига оид шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасида **экспертизадан ўтказилмайди.**

5. Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобидан **ҳар йили 500 нафаргачаногиронлиги бўлган ёшларни** ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйдаги йўналишлар учун **субсидия ажратиб бориш тизимини жорий этсин:**

нодавлат таълим ташкилотларида касб-хўнарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, **ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш**, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-хўнарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга **ассоб-ускуна ва меҳнат қуrollларини харид қилиш учун.**

Белгилансинки, субсидиялар **ҳар бир ногиронлиги бўлган ёшнинг талабига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача** бўлган миқдорда мазкур бандда кўрсатилган йўналишлардан биттаси учун ажратилади.

6. “Эн-юрт умиди” жамғармаси (А.Бекмуродов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) билан биргаликда ушбу жамғарма маблаглари ҳисобидан **2022 йилдан бошлаб** ҳар йили танлов асосида танлаб олинган **20 нафаргача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшларнинг** етакчи хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, **онлайн курсларда таълим олишини** ташкил этсин.

7. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг **давлат органлари, шу жумладан, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида** (кейинги ўринларда — давлат идоралари) ўз меҳнат фаолиятини олиб боришининг қуйидаги механизмлари жорий қилинсин:

а) Давлат хизматлари агентлиги (У.Муҳаммадиев):

2022 йил 1 мартга қадар ҳар бир ҳудудда биттадан давлат хизматлари марказида ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга мос келувчи лавозимларда (**оператор, консультант, инспектор ва бошқалар**) ишлаши учун қулай шарoитларни яратган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб боришини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) таъминласин;

2022 йил 1 сентябрга қадар тажриба-синов лойиҳаси натижаларига кўра мазкур амалиёт барча давлат хизматлари марказларида жорий қилинсин;

б) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) ҳамда Давлат хизматлари агентлиги (У.Муҳаммадиев) билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини таҳлил қилсин ва унинг натижалари асосида **2022 йил 1 апрелга қадар** давлат идораларида (шу жумладан, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда) ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият олиб бориши учун **иш ўринлари ва касбларни мослаштириш бўйича тавсиялар**, шунингдек, улар фаолият қўрсатиши мумкин бўлган **касб ва лавозимлар рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи** Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) ногиронлиги бўлган шахсларни **иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес юритишига кўмаклашишда** маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5217-сон қарорида **2022 йил 1 майдан бошлаб “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси** (кейинги ўринларда — Платформа) ишга туширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

Платформа ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотлари, уларнинг **ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар** бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олишини таъминласин;

Платформани такомиллаштириш бўйича буюртмачи функциясини амалга оширсин ва унинг узлуксиз фаолият қўрсатишини таъминласин.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ижтимоий хизмат” **электрон платформасида:**

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) тиббий, психологик маслаҳат олиш бўйича онлайн муурожаатларни қабул қилиш, мунтазам равишда тезкор маслаҳатлар бериб бориш ҳамда бошқа тиббий хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

б) Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳамда уларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

в) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.Маъруфова) “Аёллар дафтери”га киритилган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўрсатилаётган **ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам турлари** ҳамда эҳтиёжманд аҳолига субсидиялар ва бошқа лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш чораларини кўрсин;

г) Давлат хизматлари агентлиги (У.Муҳаммадиев) Давлат хизматлари марказлари, жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш (санаторийларда, пансионатларда ва бошқа муассасаларда даволаниш учун йўлланмалар олиш) чораларини кўрсин;

д) Маданият вазирлиги (О.Мирзаев) ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларнинг мусика ва санъат мактабларида, кутубхоналарда, ижодий устaxonалар ва халқ усталари мактабларида “Устоз — шоғирд” тамойили асосида ўқиши, ташкиллаштирилаётган маданий тадбирларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин;

е) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов):

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирувчи **бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасини интеграция қилиш** чораларини кўрсин;

ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хўнарга ўргатадиган онлайн тўғракарлари ташкил этсин ҳамда **ўқув қўлланмалари ва видеоматериалларни, “Ишга марҳамат” мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслари** ва муддатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирсин;

ж) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), “Хунарманд” уюшмаси (У.Абдуллаев) хунармандчилик фаолиятини бошлаш учун асбoб-ускуна ҳамда меҳнат қуrollларини харид қилишга субсидия ажратиш, уюшмага аъзолик бадалини қоплаш учун субсидия бериш, **“Устоз — шоғирд” тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларга тавсия этилган касб-хўнарларга ўргатиш** чораларини кўрсин;

з) Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев):

ногиронлиги бўлган ёшларга ўзини ўзи банд қилиш, уларни **тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хўнарга ўқиш учун жорий этилган субсидиялардан** фойдаланишда кўмаклашиш; ногиронлиги бўлган ёшларнинг хорижий тиллар ўрганиш ва **нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш**, уларнинг асбoб-ускуна ва меҳнат қуrollларини харид қилишига ёрдамлашиш чораларини кўрсин;

и) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (К.Каримов) олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқётган ҳамда ўқиш истагидаги ногиронлиги бўлган ёшлар учун таълим муассасалари томонидан берилган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб бориш чораларини кўрсин;

к) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекосов) ногиронлиги бўлган, шу жумладан, кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг Платформадан қулай ва бепул фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) **2022 йил 1 февралдан бошлаб** ногиронлиги

бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қарори билан белгиланган **иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг “Ягона миллий меҳнат тизими”** идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасида **реал вақт режимида** акс этиб боришини таъминласин.

Бунда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахснинг ишлаши тавсия қилинган касблар тўғрисидаги маълумотлар **“Бандлик хизмати” ахборот тизими**га электрон тарзда юборилади.

11. **2022 йил 1 февралдан бошлаб:**

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) тасарруфида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда барча ҳудудлардаги касб-хўнар мактаблари, коллежлар ва техникумларда **ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хўнарга ўргатиш бўйича ҳар чоракда қисқа муддатли курсларни ташкил этсин.**

Бунда қисқа муддатли курсларнинг ўқув дастурлари меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни инoбатга олган ҳолда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) **“Ишга марҳамат” мономарказларида** ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган ва **меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, хорижий тил, компьютер саводхонлиги ва компьютерда дастурлаш асослари** бўйича доимий равишда ўқув курсларини ташкил этсин.

Бунда ўқув курс (гуруҳ)ларини ташкил этишда ногиронлиги бўлган шахслар учун **бино-иншоотларни мослаштириш, тегишли шарт-шaroитларни яратиш, жиҳозлаш, ўқув қуrollлари ва ўқув-методик материаллар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда хорижий грант ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов):

а) **2022 йил 1 июлдан бошлаб** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблаглари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи **нодавлат нотижорат ташкилотларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорид**a қуйдаги тадбирларни молиялаштириш шартларини назарда тутувчи **ижтимоий бюуртма маблагларини ажратиш тизимини жорий этсин:**

ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган касблар ва уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ушбу шахсларни **касб-хўнарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш** бўйича давлат ёки нодавлат таълим ташкилотларига йўналтириш;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда **ишга қабул қилган ҳамда улар учун иш ўринларини мослаштирган иш берувчилар томонидан мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш** даражасини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни **тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига жалб қилиш** ҳамда улар учун **ижтимоий таъминотга оид ахборот ва маслаҳат бериш** ҳамда уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш;

б) **2022 йилдан бошлаб** ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хўнарга ўқитиш бўйича амалдаги тартиблар асосида ажратиладиган грант миқдорини **камида 2 бараварга оширсин;**

в) **2022 йил 1 мартга қадар** ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий бюуртма бериш, шунингдек, танлов шартлари ва уни ўтказиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) **2022 йил 1 майга қадар** давлат идораларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг белгиланган **квоталарга мувофиқ ишга қабул қилиниши ҳолатини ўрганиб чиқиб**, ўрганиш натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ногиронлиги бўлган шахслар орасида уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган **энг яхши ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириб бориш мақсадида 2022 йилдан бошлаб** қуйдаги номинациялар бўйича республика танловлари ташкил этилсин ва ўтказиб борилсин:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан — **“Энг яхши ижтимоий лойиҳа”;**

Савдо-саноат палатаси томонидан — **“Энг яхши тадбиркор”;** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан — **“Энг яхши талаба”;**

Туризм ва спорт вазирлиги томонидан — **“Энг яхши спортчи”;**

Маданият вазирлиги томонидан — **“Энг яхши китобхон”;** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан — **“Энг яхши иш берувчи”.**

Бунда танлов натижалари ҳар йили **“3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни”** арафасида эълон қилинади ҳамда танлов гоилиблари ташкилотларининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 баравари миқдорид**a бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

14. Кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар ва бошқа бoсма материаллар (**матн, нота ёзуви, иллюстрацион материаллар, Брайль ёзувидаги китоблар ва аудиокитоблар**) базасини кенгайтириш борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) 2022 йил якунига қадар **барча болалар мусика ва санъат мактабларига** кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахслар учун мўлжалланган матн ва нота ёзувларининг муқoбил шакллари бепул тарзда етказиб берилишини таъминласин;

Халқ таълимни вазирлиги (Б.Саидов) **2022 йил якунига қадар:**

а) ўқув материалларининг аудиокитoбларини ва аудио тасмадаги ёзувларни ёзиб олиш, Брайль ёзувидаги китoбларни тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш тадбирларини амалга оширсин;

б) алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ота-оналари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларга етказиб берилишини таъминласин.

Бунда, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар 2022 йилда тармоқ вазирлиқларига ажратилган маблаглар доирасида молиялаштирилади.

15. Савдо-саноат палатаси Туризм ва спорт вазирлиги, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан биргаликда **2022 йилдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан **қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш** амалиётини жорий этсин.

Белгилансинки, кўргазма савдолари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларида **доимий фаолият кўрсатиши таъминланади.**

Савдо-саноат палатаси раҳбари А.Икрамов мазкур кўргазма савдоларини **самарали ва тўлақoнли амалиётга татбиқ этиш бўйича** шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

16. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги **корхоналар фаолиятини тубдан модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш** бўйича ўрганиш ва баҳолаш ишларини ташкил қилсин ҳамда ўрганиш жараёнида қуйдаги йўналишларга эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий, **техник ва технологик ҳолатини таҳлил қилиш, уларни модернизациялаш**, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг аниқ манбаларини белгилаш;

ижтимоий корхона, ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий маҳсулот, ижтимоий квота, ижтимоий масъулият тушунчалари ҳамда уларни амалиётга жорий этиш юзасидан илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг фаолиятини, биринчи навбатда, **ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган ижтимоий маҳсулотлар** (товарлар, хизматлар), замонавий тиббий реаллизация воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтириш;

</

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ПРАГМАТИК СИЁСАТИ

минтақамизни улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айлантиришга хизмат қилади

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири мамлакат атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз қўшнилариимиз — Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, шу жумладан, туркий тилли давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашани асосий устувор йўналиш сифатида белгилаб берди.

Дунёда Ўзбекистоннинг аҳамияти ва роли ошиб бораётгани ҳам унинг минтақа давлатлари ва бошқа чет эл мамлакатлари ёки халқаро бирлашмалар билан ўзаро ҳамкорлигининг турли платформасида фаоллашиб бораётганидан ва кўп томонлама муноса-

батларни ривожлантиришга катта аҳамият қарати келаётганидан далолатдир.

Туркий давлатлар ташкилоти ривожланиб бораётган минтақалараро тузилмалардан бири бўлиб, у туркий тилли мамлакатлар этнолингвистик бирлиги асосида яратилган. 2009 йилда туркия ташкилот ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида тўлақонли минтақавий тузилмага айланиб улгурди. Айниқса, Ўзбекистоннинг қўшилиши ташкилот фаолиятига янги куч ва шиддат бағишлади, десак, муболага бўлмайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг мазкур ташкилот доирасида билдириб келаётган гоё ва ташаббуслари аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан

изчил қўллаб-қувватланмоқда. Натижада қардош давлатлар раҳбарлари ўртасида сиёсий ҳамкорлик ва Президентлар ўртасидаги шахсий ишонч тобора мустақамланиб бораётир.

Едингизда бўлса, Юртбошимиз ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, пандемия синовлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида мазкур ташкилотнинг ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни назарда тутувчи истиқболли тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари сурган эди. Айни чоғда аъзо давлатлар умумий манфаатлари ва ривожланиш тамойилларини инобат-

га олган ҳолда, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалар бўйича муҳим тақлифларни ўртага ташлади.

Шулардан бири — Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тақдиқот марказини ташкил этиш, унинг асосий вазифаси сифатида савдо тўсиқларини бартараф қилиш, электрон тижоратни кенг йўлга қўйиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтиришга қаратилган тақлиф ва қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланишини белгилаш тақлифидир.

Энди ушбу тақлиф аҳамияти хусусида кенгрок тўхталас. Маълумки, туркий халқлар келиб чиқиш тарихи миллоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк ҳоконлиги, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар ва

Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйилган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳозирги пайтда биргина Ўзбекистонда мазкур ташкилот мамлакатлари муштарак тарихи ва маданиятига алоқадор 200 мингдан ортиқ ноёб қўлёзма асарлар бор. Шунинг ўзидёқ, давлатимиз раҳбарининг ушбу тақлифи қанчалик улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Президентимиз то-

монидан илгари сурилган Инжиниринг ва технологиялар марказларини тузиш, Ташкилотнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш, Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини ташкил этиш ва унинг қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган Оролбўйи худудларидан бирида жойлаштириш, Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш ташаббуслари ҳам илгари сурилдики, уларнинг ҳар бири нафақат ушбу тақлилотга аъзо давлатлар, балки бутун дунё давлатлари учун ҳам низоҳияда долзарб аҳамиятга эга.

Умуман, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, очик, яхши қўшничилик ва прагматик сиёсати минтақамиз давлатлари халқаро нуфузини оширибгина қолмай, худудни улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айлантиришга хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

МАЪЛУМОТЛАР ОЧИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси 10 та боб, 58 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат қарзи ва давлатнинг шартли мажбуриятларини бошқариш бўйича муносабатларни тартибга солиш юзасидан қоида ва механизмлар ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳужжат билан давлат қарзини бошқариш тизимининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги давлат қарзини бошқариш, шу жумладан, давлат қарзини жалб қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Қолаверса, давлат қарзи тўғрисидаги маълумотлар очиклигини таъминлаш бўйича қоидалар ҳам акс эттирилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада давлат ғазначилик облигацияларини резидентлар ва норезидентлар ўртасида жойлаштириш имконияти берилган. Амалдаги қонунчиликка асосан давлат қимматли қоғозларини резидент бўлган жисмоний шахслар ва норезидентлар ўртасида жойлаштириш мумкин эмас. Йиғилишда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат қарзини бошқариш жараёни фрагментациялашувининг олдини олиш, давлат қарзини барқарор даражада сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан бир қатор асослантувчи саволлар берилди ва уларга мутасаддилардан атофлича жавоблар олинди.

Қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ МАҚОМИ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛЯПТИ

Парламент қўйи палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мутасаддилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси ЎзЛиДеП фракциясининг қўйи кеча бўлиб ўтган йиғилишида қизгин муҳокама қилиниб, халқ вакиллари томонидан бир қатор аниқлаштиручи саволлар ўртага ташланган эди. Ўз навбатида, лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилганди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш ва тегишли субъектларнинг ваколатлари, давлат фуқаролик хизматчининг мақоми, одоб-ахлоқ қоидалари, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиланган.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупцияга қарши куралиш, давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатишнинг ягона қоидаларини жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатда, шунингдек, биринчи марта давлат фуқаролик хизматчиларининг мақоми институти жорий этилаётир.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ муносабатларни қонун билан тартибга солишга хизмат қилади.

Семинарда депутатлар томонидан ўртага ташланган барча саволларга мутасаддилардан батафсил жавоблар олинди ва берилган тақлифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топадиган бўлди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Маҳаллий Кенгашларда НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, МАРРАЛАР ЯНАДА УЛКАН

Айни кунларда бўлиб ўтаётган маҳаллий Кенгашлар сессияларида худудлар ҳокимлари аҳолига мурожаат йўлламақда. Уларда яқиниға етаётган йилда амалга оширилган ишлар ва йўлга киритилган натижалар, шу билан бирга, келгуси йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар юзасидан маълумот берилмоқда.

Хусусан, Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов ўз мурожаатида қайд этганидек, йил давомидаги изчил сайёҳаракатлар самараси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча ҳаёсида, аввало, макро-иқтисодий кўрсаткичларда кўзга яққол ташланмоқда. Илгор технологияни жорий этиш, янги субъектлар очиш, айниқса, тадбиркорлиқни кенгайтириш ва бошқа яна қатор омиллар ҳисобига янги худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30,6 триллион сўмга етиб, 8,5 фоиз ўсишга эришилди.

Вилоятда қўлай бизнес муҳити яратилган бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари молиявий жиҳатдан изчил қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, йил давомида тижорат банклари ва жамғармалар томонидан ажратилган 5,1 триллион сўмлик кредитлар ёрдамида қатор истиқболли лойиҳалар ижросини тоғди. Биргина олиавий тадбиркорликка йўналтирилган 787,4 миллиард сўмлик молиявий қўмак билан 35 минг 559 киши тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бугун Наманган бренди билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз ўрнини топаётир. Экспорт географиясини кенгайтириш борасидаги изланишлар натижа-сида Перу, Венесуэла, Тунис, Босния ва Герцеговина бозорларига кириб борибди. Умуман, ҳозирга қадар 464 миллион АҚШ доллариға тенг экспорт амалга оширилиб, режа 113 фоизга уудаланди.

Бугунги кунда вилоятдаги 73 та кичик саноат зонасида 6,7 триллион сўмлик қийматга

Хоразм вилояти ҳокими Фарход Эрманоғлининг мурожаатида давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг яқиниға етаётган йилдаги сарҳисоби ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар кенг таҳлил қилинди.

Таъкидланишича, жорий йил якуни билан ялпи худудий маҳсулот ҳажми 30 триллион сўмга етиб, 2020 йилдагига нисбатан 121,9 фоизни, аҳоли жон боши-га эса 15,7 миллион сўмини ташкил этиши кутилмоқда.

Вилоят маҳаллий бюджет даромадлари бўйича йиллик белгиланган 1 триллион 424 миллиард сўмлик режа амалда 1 триллион 727 миллиард сўмга ёки 120 фоизга бажарилиб, маҳаллий бюджетта 284 миллиард сўм қўшимча маблағ тушмоқда. Ўз навбатида, маҳаллий бюджет маблағининг 65 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Мурожаатда давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари вилоятга ташир-фи давомида берган топшириқ-лари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Урганч шаҳрида транспорт воситалари тирбандлигининг олдини олиш мақсадида Ал-Хоразмий ва Ислон Каримов кўчалари чорраҳасида соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувастига эга ер ости ўтиш йўли фойдаланишга топширилди.

Шовот туманини Қорақалпоғистоннинг Қораўзак тумани билан боғловчи узуنлиги 79 км. бўлган Шовот — Турман — Жумуртов — Қипчоқ темир йўли қурилиш жадал суръат билан олиб борилаётир.

Йил якунигача ўзлаштириладиган тўғридан-тўғри

хорижий инвестиция ҳажми 197,8 миллион АҚШ доллари-ни ташкил этиб, прогност кўрсаткичи 161,3 фоизга ба-жарилиши кутилмоқда.

Худудий дастур доирасида Гурлан туманида “Гурлан глобал текс” МЧЖ томонидан қий-мати 12 миллиард сўмлик “Ти-кув маҳсулотлари ишлаб чиқари-ш”. Хива шаҳрида “Xiva Gilam Kombinati” МЧЖ томонидан қиймати 132 миллиард сўмлик “Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, Тупроққалъа туманида “Узавто моторс” АЖ Хоразм вилояти филиали томо-нидан қиймати 513 миллиард сўмлик “Янги пресслаш цехи” лойиҳалари ишга туширилди.

Вилоятда йил якуни билан экспорт ҳажми 230 миллион доллари-ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 133 фоиз-га ўсиши кутилаётгани ҳам эътиборга молик.

“Обод қишлоқ”, “Обод ма-ҳалла” дастурлари доирасида 350,5 миллиард сўмлик қури-лиш-таъмирлаш ва обodon-лаштириш ишлари бажарилиди.

Шунингдек, йил давомида 14 минг 978 ўринга мўлжаллан-ган мактабгача таълим муас-сасалари ташкил қилиниб, қам-ров кўрсаткичи 71,1 фоизга ет-казилди. Айни чоғда худуддаги 53 та мактабда қурилиш ва ре-конструкция ишлари бажарилиди.

Сессияда мурожаатномада илгари сурилган, “Инсон қадр-и учун” деган эзгу гоё асосида, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти муҳим тамойилидан келиб чиқадиган устувор вазифалар депутатлар томонидан ақдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, Одиббек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Сенатор ва ҳаёт ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИЛГАН МАСАЛАЛАР МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, шу кунларда худудларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари бўлиб ўтмоқда. Уларда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар иштирок этиб, парламент юқори палатасининг ййигирма иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, қўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти хусусида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, кенг жамoатчилиқка батафсил маълумот бермоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилов Иминов халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида қатна-шиб, ялпи мажлисда маъқулланган “Ўзбекис-тон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муно-сабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги, “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғриси-да”ги, “Ёшлар билан ишлаш тизими такомил-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекис-тон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-сида кодексининг 245 ва 245^б-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Тад-биркорлар қўнини белгилаш тўғрисида”ги қонун-

лар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, сенатор бозор тамойилига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳоли-ни ўй-жоё билан таъминлаш, “Янги Ўзбекис-тон” массивларини қуриш ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан парла-мент ва жамoатчилик назоратини ўрнатиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш де-путатларига тегишли тавсиялар берди. Мута-сaddirларга “Янги Ўзбекистон” массивларини ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларни тушунтирди.

Парламент юқори палатасининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида до-имий асосда ишловчи сенатор Манзура Сали-мова халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенга-ши сессиясида иштирок этди ва маъруза қилди.

У Олий Мажлис Сенати ййигирма иккинчи ялпи мажлисида қўрилган масалаларга кенг тўхта-

либ, худудларда қонунлар ижроси юзасидан парла-мент ва депутатлик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Олтинқўл тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқа-лар, хорижий инвестициялар ва туризм масала-лари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов юрти-мизда амалга оширилаётган барча соҳадаги исо-лохотларнинг марказида “Инсон қадр-и учун” та-моийли турганлигини алоҳида таъкидлади.

Сенатор белгилаб олинган вазифалар иж-росини таъминлаш, хусусан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси, ижтимоий ва ишлаб қиқариш инфратузилмасини изчил ривожлантириш, “темир дафтар”, “ёшлар даф-тари”, “аёллар дафтери”га киритилган фуқаро-лар бандлигини таъминлаш, уларни қўллаб-қув-ватлаш масалалари бўйича аниқ мақсад ва режа асосида иш ташкил этиш юзасидан тақ-лиф ва тавсиялар берди.

Шунингдек, Сенатнинг ййигирма иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўрилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳиятини ато-рофлича тушунтириб ўтди.

«Халқ сўзи».

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентининг Шавкат Мирзиёев ҳузурида 20 декабрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва кооперация асосида балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ййигилиш ўтказилди.

Фикр

Ййғилиш аввалида барча им-кониятлар яратилганига қарамай, озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашда қамчиликлар сақланиб қолаётгани қайд этилди. Демак, бугун кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, ўз худудида зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг етар-ли захирасини шакллантириш ва нархлар барқарорлигини таъмин-лаш гоёт муҳимдир.

Албатта, сўнгги йилларда мам-лакатимизда озиқ-овқат хавфсиз-лигини таъминлаш масаласи бе-жиз тилга олинаётгани йўқ. Чунки дунёда экология, энергетика, хом ашё, гуманитар муаммолар қато-рида энди озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам глобал муаммога айланмоқда.

БМТ ҳисоботиға кўра, айни вақт-да дунёда 820 миллион киши етар-ли миқдорда овқатланмайди. 265 миллион киши озиқ-овқат

етишмовчилигидан азият чекмоқ-да. “Тоджор” вирус эса ушбу кўрсаткични янада оширмоқда. Агар зудлик билан кескин чоралар кўрилмаса, озиқ-овқат билан боғ-лиқ глобал вазият янада мурак-каблашиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Жаҳон озиқ-овқат дастури мутахассислари дунё давлатларини озиқ-овқат ишлаб қиқаришни кўпайтиришга, маҳаллий бозорларни қўллаб-қув-ватлашга, аҳолининг энг заиф қат-ламини — болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватловга қачирмоқда.

Ййғилишда дунёда озиқ-овқат нархларининг ўсиши, инфляция хавф-жатарлари келгуси йилда озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб масала бўлиб қолишини яққол кўрсатаётгани таъкидланди. Вилоят Хокимияти ўз худудида балиқ

етиштиришни таҳлил қилиб, тадбир-корлар ва аҳоли хонадонларида барча шaroитни яратиб бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Айтиш жоизки, ўтган беш йил-да мамлакатимизда балиқчилик тармоғида умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 1 минг 16 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада балиқ етиштириш ҳажми 6 бара-варга ошиб, жорий йилда 400 минг тоннаға етказилди. Бу аҳолининг балиқ истеъмол қилиш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 5,7 ба-робарга ошди, дегандир. Лекин бу кўрсаткичлар етарли эмас.

Ййғилишда бу ҳақда сўз юритилар экан, айрим вилоятлар-да ушбу соҳа ривожига эътибор қартилмаётгани танқид остиға олинди. Суный ҳавзаларни интен-сивлаштириш, тармоқда кластер-лар ва кооперация тизимини рив-ожлантириш орқали келгуси йилда балиқ етиштиришни 600 минг тон-наға етказиш вазифаси қўйилди.

Қувонarli томони, 2022 йилда 10 мингта хонадонда интенс-ив балиқ етиштириш йўлга қўйилиши, хонадонларда кооперация асосида 80 тоннадан ортиқ балиқ

ЭЪЛОН

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик-тижорат банки акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатов кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ййғилишини 2022 йил 13 январь куни, соат 11:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Лутғий қўчаси, 14-уйда жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Ййғилиш кун тартиби:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий ййғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартишлар киритиш.

“Микрокредитбанк” АТБ Кузатов кенгашининг 2021 йил 21 декабрь кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ййғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 8 январь куни ҳолатига ҳамда умумий ййғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 21 декабрь куни ҳолатига тузилди.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 13 январь куни соат 10.00 дан 10.50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий ййғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашиди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома эса нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий ййғилиши видеоконференцалоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Ййғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Телефон: 1285 (1316, 1317)

Банк Кузатов кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағлари ажратиш бўйича навбатдаги очик танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 388-сонли қарори асосида Нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағлари ажратиш бўйича очик танлов ўтказилиши белгиланган. Танловда республикада фаолият юритувчи ёшлар ва хотин-қизларни ўқитишга ихтисослаштирилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз лойиҳалари билан қатнашишлари мумкин. Бунда ёшлар ва хотин-қизларни бизнес ва тадбиркорлик қўнимкаларига ўқитишни ташкил этиш, ушбу ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш мақсадидаги лойиҳаларини молиялаштирилишини назарда тутган бўлиши лозим.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатлари тўплами намунасини олиш учун талабгор Агентликнинг қуйидаги манзилларига мурожаат қилиши лозим.

Телефонлар:

ЎЗБЕКИСТОН МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Шу боис ҳозирги кунда дунё мамлакатлари мазкур ноёб металл қазиларни излаб топиш, захирасини шакллантириш, қазиб олиш ишларига катта эътибор қаратмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам.

Мутахассислар электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг жадал тараққиёти ҳисобига 2030 йилга бориб, дунёда мисга бўлган талаб 40 фоиз ошишини прогност қилган. Бундан кўринадики, қаерда мисни топиш, қазиб ва ишлаб чиқариш кўлаб-қувватланаётган, йирик лойиҳалар амалга оширилаётган, бунинг учун инвесторларга қулай муҳит яратилаётган бўлса, ўша мамлакатнинг иқтисодиёти, жаҳон миқё-

Дунёда миснинг ўртача нархи тоннаси-га 3,200 — 3,500 долларни ташкил этади. Ушбу махсулотнинг асосий харидори — Хитой. 2020 йил маълумотларига кўра Чин юрти миснинг 54 фоиз истеъмолчиси бўлиб қолмоқда.

Комбинатда жорий йил якуни бўйича 30,6 триллион сўмлик, яъни 2017 йилда-гига нисбатан 5,6 баравар кўп товар махсулотлар ишлаб чиқариш қўлимоқда. Шунингдек, экспорт ҳажми 1 100,0 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, инвестициявий лойиҳалар доирасида 456,8 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилади. Комбинатнинг асосий махсулоти саналган мис ишлаб чиқариш жорий йилда 148,5 минг тоннани ташкил этиши кутиляпти. Бунда ҳам

гани эътиборимизни тортди. Унинг тушуниришича, қудратли техникалар йўналиши — юкни қаердан олишу қаерга олиб бориш ана шу алоқа воситаси орқали бошқариб турилади. Бирор муаммо юзга келса, хабар берилади. Иш ҳам шунга яраша, аниқ ва тез бажарилади.

Каранг, битта техника бир кунда 220 тонна юкни 15 маротабагача ташийди. Комбинат томонидан шу куннинг ўзига бундай катта-кичик техникалардан 570 таси жалб этилган. Бунинг учун 415 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланган. Энди ўзингиз тасаввур этиб кўраверинг, бу ерда кечаётган иш кўламини-ю, жараён қанчалик қизгинлигини...

“Ёшлик-1” конининг ҳозирча энг қуйи жойида ишлаётган экскаватор нақдими. Чуқурлик — 60 метр. Конда бундай экскаваторлардан 24 таси ишляпти ва улар юк машиналарига пешма-пеш тўпроқ-тош аралашмаларини ташлаб турибди. Техникаларнинг кети узилмайди — бири келиб бир кетади. Экскаватор ҳам чакана эмас: бир ортишда оз эмас, кўп эмас — 30 тоннадан зиёд юкни ташлайди.

Махсус техникада юқорига кўтарилаемиз. Бу ерда 1-темир йўл цехи машинист-йўриқчиси Нурали Отабоевни суҳбатга чорладик.

— Грузиядан келтирилган янги электровозларни бошқараман, — дейди Нурали ака. — Таркибда 13 та вагон бор. Агар устки қатламлари ташийдиган бўлсак, бир иш сменасида 4 марта, рудалар бўлса 2 марта бориб-келамиз. Ҳар бир борганда, 1,5 — 1,6 минг тоннагача юк ортаемиз.

...Конда жараён шу зайлда давом этмоқда. Иш бир зумга тўхтамайди. Гўёки, худуд чинакам матонат, жасорат ҳамда шижоат майдонига айланган.

Тўри, ишлар техникалар, махсус транспорт воситалари ёрдамида бажариляпти. Лекин унинг қўлами, замонавий транспорт воситаларининг шовқини одамнинг ақлини олади, ҳаяжонга солади, ҳайратини оширади. Чунки “Ёшлик-1” кони худудида қазиб ва ташиш ишларидан ташқари, зарур бўлган янги инфратузилма объекллари, яъни темир йўллар ва станциялар, кон-

транспорт воситаларини таъмирлаш ва йиғиш цехларини қуриш ишлари ҳам авжида. Шунингдек, 650 мегаватт қувватли ташки электр тармоғи қурилмоқда.

Айтиб ўтганимиздек, “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш ишлари жадаллик касб этган. 2021 йил 20 декабрь ҳолатига кўра, жами бажарилган тўпроқ ишлари 102 миллион метр кубни ташкил этмоқда. “Олмалик кон-металлургия комбинати “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш” инвестиция лойиҳаси Президентимизнинг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Унинг 2021 — 2024 йилларга мўлжалланган биринчи босқичида 290 минг тонна мис катоди, 38 тонна олтин ва 203 тонна кумуш, 2024 — 2028 йиллар мобайнидаги иккинчи босқичида 400 минг тонна мис катоди, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш металлари ишлаб чиқаришга эришляди.

Комбинатнинг яна бир мис кони — “Қалмоққир” “Ёшлик-1” конидан унчалик узоқ эмас, 800 метр — 1 километр масофада жойлашган. Агар бу икки кон бирлаштирилса борми, Ўзбекистон дунёдаги энг катта очик конга эга мамлакатга айланади. Айнан икки конни бирлаштириш таклифи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ушбу бирлаштириш лойиҳаси 2028 йилгача амалга оширилиши режалаштирилган. Бу, албатта, Ўзбекистон иқтисодиётининг катта ютуғи бўлади.

Давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб, эртанги авлодлар ҳаётини ҳам ўйлаб белгилаб берган ушбу режа ва мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Статистик маълумотларга қараганда, Олмалик лойиҳаси (“Қалмоққир” ва “Ёшлик-1”) дунёда олтин микдори бўйича 1-ўрин, руда таркибидида олтин бўйича 2-ўрин, руда ҳажми бўйича 3-ўрин (19,5 млрд.



тонна) маъдандаги мис микдори бўйича 6-ўринни эгалламоқда.

Бир лойиҳа бошқаларига йўл очади

Кон бор, захира етарли, қазиш, ташиш ишлари авжида. Шунга яраша хом ашё ҳам кўпаймоқда. Уни қайта ишлаш қандай амалга оширилади?

Бу саволга “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш лойиҳаси” доирасида йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлган 3-Мис бойитиш фабрикаси қурилиши жараёнидан жавоб топиш мумкин. Бинобарин, 106 гектар ердаги фабрика Марказий Осиё ва Россиянинг саноат қурилиш бозорига етакчи консорциуми “Enter Engineering” (EE) компанияси ҳамда “Газпромбанк”нинг машинасозлик дивизиони корхонаси “Уралмашзавод” ПАЖ томонидан барпо этилади.

— Фабрикамизни лойиҳа бўйича “Enter Engineering” ва “Уралмашзавод” ҳамкорлиқда “тайёр ҳолатда” шарти асосида қуриб беради, — дейди 3-Мис бойитиш фабрикаси бош муҳандиси Азиз Муротов. — Бунда бири объект қурилиши ва лойиҳа ишларини бажарса, иккинчиси тўлиқ тех-

нологик ускуналарни етказишни зиммасига олган.

3-Мис бойитиш фабрикаси қурилишини молиялаштириш учун 712 миллион евро микдоридаги кредит маблағлари ажратилган. Эътиборлиси, ушбу кредит имтиёзли шартлар асосида тақдим этилмоқда.

2023 йилда ишга туширилаётган янги фабрика таркибиде катта ва майдаланган руда омборлари, ўрта ва кичик майдалаш корпуслари, яъни бўлими билан бош корпус биноси, флотация ва сувсизлантириш бўлимлари, гидрометаллургия цехи, тайёр махсулотни сақлаш ҳамда жўнатиш бўлими, таъмирлаш-механик устаноналари, чиқинди ҳўжалиги ва бошқа бўлималардан иборат бўлади.

Тайёр концентрат конвейер тасмалари ёрдамида мис эритиш заводида юборилади, фабрика чиқиндилари эса қуворлар орқали чиқинди сақлаш омборига жўнатилиб жойлаштирилади. Яъни экология учун бутунлай безиён.

Янги мис бойитиш фабрикасининг барча технологик жараёнлари тўлиқ замонавий ускуналар ёрдамида автоматлаштирилади. Бу инсон омилининг технологик жараёнларга таъсирини камайтириб, махсулот сифатини яхшилади, меҳнат сифатини оширади, шунингдек, давқулодада вазиятларни камайтиради. Мазкур объект ишга туширилиши натижасида 6 мингта иш ўрни яратилади.

Яна бир эътиборли томони, фабрика қўшимча имкониятларга йўл очади: унинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида соатига 23 минг куб метр қувватига тенг сув таъминоти объекллари ҳамда 360 минг тонналик янги оҳак заводи қурилади.

...Курама тоғ тизмаларидан Олмалик томон тушар экансиз, пастликда шаҳар гавдаланади. Турли иморату иншоотлар, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, умуман, шаҳарнинг қайноқ ҳаёти Олмалик кон металлургия комбинатидаги ўзгаришлар, янгиланишларга ҳамохандек туюлади, кишига. Аслида ҳам шундай, бизнингча. Чунки Олмаликнинг ушбу улкан комбинатсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, комбинатнинг ютуғи шаҳар аҳлининг ҳаётида акс этади.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг 2019 йилда реконструкция ишлари бошланиб, 2020 йилда фойдаланишга топширилган 210 ўринга мўлжалланган санаторий-профилакторийсига келгунча ҳаёдан шу фикрлар ўтди. Бу ердаги шартшароитлар эса тахсинга лойик, юртимизнинг энг сўлим сийхатохлари билан рақобатлаша оладиган даражада.

Умуман, Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган ишлар қўлами кенг. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВО
(“Халқ сўзи”).



сидаги ўрни мустаҳкамланиб бораверади.

Шундан келиб чиқиб айтганда, бу борада Президентимиз сиёсати, қўллаётган иш тугуми, ташаббус ва ғоялари асосида олиб борилаётган ишлар Ўзбекистонни бошқа соҳа ҳамда тармоқлар қаторида мис махсулотлари қазиб олиш ва ишлаб чиқаришда ҳам етакчи давлат сифатида танитишга қаратилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 15 майдаги “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ҳамда 26 майдаги “Олмалик КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорлари айни шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Олмалик кон-металлургия комбинати мамлакатимиздаги энг йирик саноат субъектларидан бири — очик ва ер ости конлари, металлургия ва цемент заводлари, кенг қамровли инфратузилма объекллари бирлаштирилган улкан саноат мажмуасидир. Корхона 70 йиллик тарихга эга. Бу ерда мис, молибден, рух, кўрғошин ва олтин таркибли маъданлар қазиб олинади ҳамда қайта ишланади. У айни пайтда нафақат Марказий Осиёдаги, балки мис махсулотларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та энг йирик корхона сафидан жой олган.

Комбинат ўз фаолияти мобайнида рангли ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича етакчи корхона сифатида кучли мавқега эга бўлди. Яъни бугунги кунда “Олмалик КМК” АЖ Ўзбекистоннинг ягона мис ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилаётган 90 фоиз кумуш ва 20 фоиз олтин ушбу гигант корхона ҳиссасига тўғри келади.

Комбинат МДХ рангли металлургия саноатининг байроқдори ҳамдир. Йиллик мис ишлаб чиқариш ҳажми 148 минг (Россияда — 973 минг, Қозғистонда — 500 минг) тонна билан учинчи ўринда туради. Заваддан 17 мамлакатга 16 турдаги махсулот экспорт қилинади.

ўсиш 2017 йилдагига нисбатан 135,1 фоизни ташкил этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз саноати, ҳусусан, мис қазиб олиш ва ишлаб чиқаришда Олмалик кон металлургия комбинатининг ўрни катта. Ҳозирги кунда ОКМКда кенг қамровли истиқболли инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани бу имкониятни янада оширмоқда.

“Ёшлик-1” кони чинакам матонат майдони

Олмалик шаҳридан Жануби-Шарқ, яъни Курама тоғ тизмалари етаклари томон юрсангиз, тоғу тошлар тепаликлари орасида комбинатнинг “Ёшлик-1” конидан чиқасиз. Айни пайтда бу ерда иш шундай қизгинки, ишчилар ҳам, транспортлар ҳам тиним билмайди.

Қисқача айтганда, ҳамма ўз юмуши билан банд. Юklar ҳам баҳайбат техникаларда, ҳам темир йўллар орқали поездларда ташилмоқда. Эътиборимизни тортган жиҳати, ана шундай техникаю электровозларнинг аксариятини ўзимизнинг таърибли ишчилар, ёш мутахассислар бошқармоқда.

Алишер Исмоилов — тажрибали ҳайдовчилардан бири. Шу боис унга бу ердаги энг йирик юк ташиш машинаси ишонли топширилган. У бошқарётган “БелАЗ” русумли техниканинг ўзи 157 тонна. Бир ташишда нақд 220 тонна тонна юкни манзилга етказиб беради.

— Қарийб ўттиз йилдан буён шу касб билан шуғулланаман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ана шу қудратли техникда бир кунда 12-13 километр масофага 14-15 марта бориб-келамиз. Машина жуда қулай, совитиш ва иситиш тизими ёзининг иссиғию қишининг совуғида ҳам ишлагаша — 4 кишилик жамоага белги-ланган кунлик меъёрни ҳеч қандай қийинчиликсиз бажариш имконини беради.

Алишер ака билан суҳбат жараёнида рация орқали турли хабарлар келиб тур-



ИЖОДКОРДАН ЯНГИ ТУҲФА

Таниқли шоир, ёзувчи ва публицист Абдусайд Кўчимовнинг танланган асарлари тўрт жиллик мажмуа шаклида “Академнашр” нашриёти томонидан чоп қилинди.

Китоблар ижодкорнинг рамз, тимсол ва ташбеҳларга мойил услуби, серкатлам таъбир ва талқинларига мос тарзда ўзига хосликка: кўркам дизайн, фалсафий суратлар, ёрқин бўёқлар ва ўзгача номга эга.

Сайланма жилдларига аънавий тарзда тўғламлар ичига киритилган бирор-бир асар номи эмас, балки оддий ва содда қилиб, “Назм”, “Наср”, “Публицистика”, “Наср ва болалар шеърляти” деб ном берилган.

Дунёда шоир кўп, шеър кўп. Уларнинг ҳаммасини ўқишга инсон умри етмайди. Шу боис асл шеърят муҳлислари саралаб ўқишга, яхисини ёмондан ажратилшга ҳаракат қилишди. Абдусайд Кўчимовнинг назмий битиклари ҳам ана шундай саралаб ўқилаётган яхши шеърлар қаторида. Шоир қайси мавзуни қаламга ол-

масин, бошқалардан фарқли сўз айтишга, ҳеч қимманига ўшамайдиган фикр билдиришга, сўздан муаззам бинолар қуришга интилади, қалбиде жўш урган тугёнларни ўқувчига етказишга уринади. Биринчи жилдга киритилган ижод намуналарини ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

“Наср” аталмиш иккинчи жилдан ёзувчининг аксар матбуотда чоп этилган ва матбуот саҳифаларида ҳажм нуқтаи назаридан босилмаи қолган бадиалари ҳамда қиссалари ўрин олган. Адиб шухратига шух-

Китоб жавонингизга



рат қўшган, ўқувчилар қўлма-қўл ўқиган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги “Мен шоирман, ис-

тасангиз шу” сарлавҳали ёднома ҳам ушбу китобга киритилган. Тўғламдаги “Ўзанига сизмаган дарё”, “Баҳор чакмоқлари ёхуд ман-

гу қоида”, “Орол-одам” ва бошқа ижод махсуллари инсонни маънан юксалтирадиган фикрларга бой, уларда барча замонлар учун долзарб мулоҳазалар ўртага ташланган. Ўқувчи бадиаларда замонамиз ойдинларининг кенчаги ва бугунги ёрқин қиёфаларини кўради, улар билан дилдан суҳбатлашгандай, сирлашгандай бўлади.

Учинчи жилд публицистик асарларни қамраб олган. Китобга киритилган гўзал бадиалар, адабий мақолаларда она юртимиз манзаралари, инсон қалбининг улғуворлиги, унинг орзу-армонлари, умр ибратлари акс этган. Ижодкор ушбу асарларида Азим Суюн, Абдуғани Жума, Барот Бойқобилов, Маъруф Жалил, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов, Пирмат Шермухамедов, Махмуд

Саъдий каби шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, илм-фан фойдиларининг қалб дунёсини ғоят аниқлик билан очиб беради.

Китобга киритилган ёзувчининг ҳаётий қарашларини ифодалаган ҳикматнамо қайдлари ҳам китобхон диққатини тортади, уни теран фикрлашга ундайди.

Бугун бир вақтлар эртақларда ўқилган сирли-сеҳрли ҳодисотларнинг аксарияти асхалҳоллар чинга айланиб кетди. Интернет, компьютер олами, сунъий ақл гаройиботлари, кенг функцияли дастурлар, мобил телефон имкониятлари... Ушбу XXI аср техника мўъжизаларининг фойдали томонлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ таасуфли ҳол: виртуал дунё ёш авлоднинг ўғримчак тўридай ўраб, чирмаб бораёттир. Хўш, бундай нозик за-

монда келажак эгаларини маънавий таҳдидлардан қандай ҳимоя қилса бўлади? Наҳот йўли қаерда? Шубҳасиз, мутолаада! Ёшларнинг “кўзини очадиган”, уларга яхши-ёмонни, оқ-қорани танитадиган, дунёқарашини бойитиб, ҳаётини позициясини, иродасини мустаҳкамлайдиган, мушоҳадага ундайдиган китобларда.

Абдусайд Кўчимов танланган асарларининг “Наср ва болалар шеърляти” деб аталган тўртинчи жилдидан жигарбандларимизни адабиётнинг сеҳри маъвоисига етаклайдиган шеър ва достонлар жой олган. Шунингдек, китобга ҳикоялар, қиссалар, этюдлар, мақола ва суҳбатлар ҳам киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир қисмат бор. Ўқувчи мутолаага киришар экан, нафақат қаҳрамон билан, балки муаллиф билан даррлашади, ўрни келса, бахшлашади, ўйга толади. Энг муҳими, ушбу асарлар, улардаги қаҳрамонлар бир умрлик дўстдига, ҳамроҳига айланади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонга 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеков.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.05 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6